

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НУТҚ МАДАНИЯТИ
(маъруза матнлари)

Умумий тилшунослик кафедраси

**Тузувчилар: Муйдинов К. А.
Вахобова К. У.**

ТОШКЕНТ – 2001

Кириш.

Маълумки, узок утмишга эга булган узбек халки таълим-тарбияга оид бой меросга эга булиб, авлодларда инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дустлик, меҳр-окибат, биродарлик, одобрилиқ каби умуминсоний ғазилатларни тарбиялаб келган. Шарк мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид асарлари ҳам ана шу бой мероснинг туб негизини ташкил этади. Лекин, мустабид тузум даврида бу дурдона асарлардан, ундаги одоб-ахлоққа оид инжуга баробар фикрлардан етарлича фойдалана олмадик.

Шукурки, миллий истиклол туфайли узбек халқининг ҳам курагига шабада тегди. Тарихимизга, маданиятимизга янгича назар билан қарай бошладик. Шунингдек, уз ечимини қутаётган муаммоларни ижобий ҳал қилишга бел боғладик.

Барча соҳалар сингари она тилимиз ва у билан боғлиқ муаммолар ҳам аста секин ечимини топомқда. Хусусан, нутқ маданиятига доир масалаларни ҳал қилишда тилшунос олимларимизнинг меҳнатлари, изланишлари таҳсинга лойиқдир. Таниқли тилшунос олим Низомиддин Маҳмудовнинг «Тил», «Маърифат манзиллари» номли, Нусратилла Жумаҳужанинг «Истиклол ва она тилимиз» каби рисоалари ана шу соҳадаги изланишларнинг ёрқин мисолидир.

Нутқ маданияти жамият маданий таракқиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохатлар давлат сиёсатининг устувор йуналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблиқ касб этади.

Республикаимизнинг «Давлат тили» ҳақидаги қонуни, «Таълим тугрисида»ги қонуни, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа ҳужжатларида маънавий-маърифий тарбия, тил масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ҳар қандай кадр, энг аввало, уз она тилининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим. Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида сузлаган нутқида: «Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида раво, гузал ва лунда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида утирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин»-деб таъкидлайди. («Барқамол авлод-Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори» 1997, 9 бет).

Нутқ маданияти ҳозирги давр тилшунослик фанининг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони ҳал этиш умуммаданиятимиз таракқиёти, шунингдек, олий мактабларда, урта махсус укув юртларида, урта мактаблар ва умуман дарс утиш жараёнини яхшилаш билан ҳам боғлиқ, Шунинг қайд қилиш керакки, бугунги кунда нутқ маданияти курсини барча укув юртларида ургатиш қувонарлидир. Чунки нотиклик санъати сирларини урганиш, уз фикрини баён қилаётган ҳар бир тил воситасини керакли ва лозим булган уринда қуллаш, мантиқан барча соҳада хизмат қилувчи ҳар бир мутахассис учун, умуман, ҳар қандай маданиятли киши учун ҳаётий зарурат деб ҳисобланиши керак. Ўзбек адабий тили ва унинг нормаларини илмий урганиш ҳам узбек нутқи маданияти соҳаси учун ниҳоятда муҳимдир. Адабий тилнинг ривожланиш қонуниятларини, адабий тил меъёрларининг умумий

хोलатини, ундаги тургун ва нотургун ходисаларни чукуррок текширмай туриб адабий тилнинг нутк маданияти хакида гапириш асло мумкин эмас.

Тил ҳам, феъл-атвор ҳам одамга кон билан кириб, унинг бутун жисму жонига таралиб кетувчи анъаналар экан, буларга эътибор бермаслик, хамиша катта-кичик фожиаларни келтириб чикаради.

1 – Мавзу: Укитувчи нутки маданияти курсининг мақсад ва вазифалари.

Режа.

1. Нутк маданияти тарихидан.
2. Курснинг предмети ва муҳим вазифалари.
3. Нутк маданияти ҳаётий зарурат сифатида.

Адабиётлар.

1. «Нутк маданияти ва услубият асослари». Р. Кунгуров. Э. Бегматов. Ё Тожиёв.
2. «Нутк маданияти асослари» Т. Кудратов.
3. «Ўзбек нутки маданияти ва услубияти асослари»
4. «Маърифат манзиллари». Н. Махмудов.
5. «Баркамол авлод орзуси». 2000.

Нутк маданияти хақидаги таълимот қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга қадар Мисрда, Ассирияда, Вавилон ва Хиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан маълум. Бу даврда давлатнинг, савдо-сотиқнинг, суд ишларининг нихоятда тараккий этиши нотикликни санъат даражасига кутарди. Чунки у пайтларда давлат арбобларининг обрӯ-эътибори ва юқори лавозимларга кутарилиши уларнинг нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган. Нотиклик санъати саркардалиқ маҳорати билан баробар даражада улугланган. Бу икки санъатни мукаммал эгаллаган кишиларгина юқори лавозимларга сайланганлар. Умуман етук инсон бўлиш учун, албатта, нотиклик санъатини эгаллаш шарт қилиб қўйилган. Грек нотиғи Демосфен ва Рим нотиклари Цицерон, Квинтилиан, Аристотель каби назариётчиларнинг ҳаётлари бунга мисолдир. Улар кишилик жамиятида риторика ва нотиклик санъатининг узиға хос мактабини яратдилар. Цицероннинг «Нотиклик хақида», «Нотик», «Брут» асарлари, Марк Фабий Квинтилианнинг «Нотик билими хақида», Аристотелнинг «Риторика» каби асарлари ҳам қадимги Римда маданий нутқ, нотиклик назарияси ривожланганлигини курсатувчи бир омилдир.

Урта Осиё маданияти тарихида ҳам нутк маданияти узиға хос мавқега эгадир. Шарқда, жумладан Мовароуннаҳрда нотиклик; воизлик, яъни ваъзхонлик, «Қуръон»ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сузнинг аҳамияти, маъноси ва ундан уринли фойдаланиш борасида қўп яхши фикрлар айтилган. Ана шу нуқтаи-назардан қаралса, «Нутк одоби», «Муомала маданияти» номлари билан юритилиб келган нутк маданияти тушунчаси жуда

кадимдан олимлар, зиёлиларнинг диққатини тортган: Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллох Ал-Хоразмий, Махмуд Кошгарий, Замахшарий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Югнакий, Суфи Оллоёр, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуг сиймолар нутк одоби масалаларига, умуман нуткка жиддий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, лугатга, грамматикага ва мантикшуносликка оид асарлар ёздилар. Буюк комусий олим Беруний (973-1048) узининг «Геодезия» асарида хар бир фаннинг пайдо булиши ва тараккий этиши инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантик фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир.

Улуг ватандошимиз Абу Наср Фаробий тугри сузлаш, тугри мантикий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гузал нутк тузишда лексикология, грамматика ва мантикнинг нақадар аҳамияти зурлиги ҳақида шундай дейди: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сураш ва қандай җавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман...»

Қайковус томонидан 1082-1083 йиларда яратилган, Қадимги Шарк педагогикасининг ажойиб асарларидан бири ҳисобланган. «Қобуснома»да ҳам нутк одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз фикрлар айтилган. Асар 44 бобдан иборат бўлиб, унинг 6-7 боблари суз одоби ҳақидадир. Муаллиф фарзандига қилган насиҳатлари орқали укувчини ёқимли, мулойим, уринли сузлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди. Сузлаганда уйлаб, хар бир фикрдан қилиб чиқадиган хулосани қуз олдига қелтириб гапириш кераклигини, қиши қамтар бўлиши, узини халқ орасида оддий, қамтар тутиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоналик қилиш, қуз гапириш донолик белгиси эмас... «Эй фарзанд, агар сен хар қандай нотик бўлсанг ҳам, узингни билганлардан пастрок тутгил, тоқи суз билимдонлиқи вақтида бекор бўлиб қолмагайсан. Қуз билу, оз сузла, қам билсанг, қуз сузлама, чунки ақлсиз қиши қуз сузлайди, деганларқи, қим утириш саломатлик сабабидир. Қуз сузловчи ақлли одам бўлса ҳам, халқ уни ақлсиз дейди...»

Улуг шоир Юсуф Хос Хожиб туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадий ёдгорлиқи бўлган «Қутадғу билиг» («Бахт қелтирувчи билим») асарида сузларни тугри танлаш ва тугри қуллаш ҳақида: «Қилиб сузласа суз билиг саналур» деган эди. Қиска сузлаш, сузларга иложи борица қупроқ маъно юқлаш ҳақида:

Уғуш сузлама суз бирор сузла оз,

Туман суз тугунини бу бир сузла ёз.

дейди. Мазмуни;

Сузни қуз сузлама, қамроқ сузла. Туман (минг) тугунини шу бир суз билан еч. Гапиришдан мақсад сузловчи қузда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тугри, таъсирчан, етказишдан иборат. Шундай экан, нуткнинг тугрилиқи, равонлиқи ва мантикийлигига эришиш муҳим аҳамият қасб этади. Мутафакқир сузловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, ҳовлиқмасдан, сузнинг маъноларини яхши англаб, нутқни равон қилиб, тузишга қақиради.

Адиб Ахмад Югнакий (XII-XIII) ҳам сузлаганда нуткни уйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз, ярамас сузларни ишлатмасликка, мазмундор сузлашга чакиради. Нотугри тузилган нутк туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин, деб сузловчини огохлантиради:

Укув сузла сузни эва сузлама,

Сузинг кизла, кедин, бошинг кизлама.

(Сузни укиб сузла, шошиб гапирма, кераксиз, ярамас сузларни яшир, ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма.)

Нутк одоби деб юритилган коида ва курсатмаларда содда ва уринли гапириш, киска ва мазмундор сузлаш, эзмалик, лакмаликни коралаш, кексалар, устозлар олдида нутк одобини саклаш, тугри, рост ва дадил гапириш, ёлгончилик, тилёгламаликни коралаш ва бошкалар хакида гап боради.

Урта Осиё нотиклигининг узига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, у энг аввал уша давр тузумининг манфаатларига хизмат килар эди. Бу даврда нотиклик санъати усталарининг надимлар, киссагуйлар, масалгуйлар, бадихагуйлар, киротхонлар, муаммогуйлар, воизлар, гуяндалар, маддохлар, касидахонлар деб юритилиши ҳам ана шундан далолат беради. Аммо тилнинг яратувчиси халк эканлигини ва унинг, энг аввало, халкка хизмат килишини тугри англовчи соглом фикрли кишилар унинг ижтимоий мохиятини доимо тугри тушуниб келганлар. Навоийнинг давлат арбоби сифатида меҳнаткаш халк олдида килган чиқишлари, унинг тил хакида айтган фикрлари бунинг далилидир. Узбек мумтоз адабий тилининг хомийси булган буюк шоир Алишер Навоий туркий тилда гузал нутк тузишнинг байроқдори сифатида унинг бутун ижоди билан узбек тили бойликларини номоён этди. Навоий узбек адабий тилида буюк асарлар яратиш мумкинлигини намоёиш килди. Шоир узининг «Мухокаматул - лугатайн» асарида хар бир тилнинг ижобий ва салбий томонлари борлигини эслатиб утди. А.Навоийнинг «Мухокаматул - лугатайн», «Махбубул- кулуб», «Назмул-жавохир» асарлари узбек тилида нутк тузишнинг гузал намуналари булиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта хисса кушди. У узининг «Махбубул-кулуб» асарида шундай дейди: «Тил мунча шараф била нуткнинг олатидир ва ҳам нуткдурки, агар нописанд зохир булса, бошнинг офатидир...» яъни, тил шунча шарафи билан нуткнинг куролидир, агар у уринсиз ишлатилса тилнинг офатидир.

А. Навоий тугри, киска, лунда, ёкимли, мантикли, тушунарли, жуяли аник ва таъсирли нутк хакида узининг «Арбаин» асарида, шунингдек, «Хамса» асаридаги беш дostonнинг хар бирида ҳам ажойиб фикрларни айтиб утган.

Хулоса килиб айтганда, узбек нутки маданиятининг тарихига назар ташлайдиган булсак, кадимдан бу сохага «Нутк одоби» номи остида анча кенг эътибор берилган булиб, кейинги асрларда, айникса, XIX-XX асрларнинг айрим вақтларида эътибор анча сусайганлиги кузга ташланади. Бирок кейинги йилларда бу сохада куп ишлар килинди.

2. «Нутк маданияти асослари» фани узбек тилшунослигининг узига хос амалий соҳасидир. У тилшуносликнинг назарий курсларидан олинган билимларга суянган холда тугри ва чиройли нутк тузиш йулларини ургатади. У тил, тил нормалари, нутк, нуткнинг сифатлари, нуткий услублар, нуткда

учраши мумкин булган камчилик ва хатолар, нуткнинг талаффузига доир муаммолар юзасидан бахс юритади. Нутк маданияти, ҳам фан сифатида уз текшириш объекти ва вазифаларига эга. Унинг текшириш предмети нуткнинг тил курилиши, адабий тил нормалари ва нуткнинг коммуникатив (алока учун керакли) фазилатларидир. Нутк маданияти назариясида тил нормаси марказий тушунчадир. «Тил маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил нормалари, асосий вазифаси эса ушбу нормадаги иккиланишларни бартараф этиш булмоги керак»

Шундай қилиб, нутк маданияти асослари фани адабий тил нормаларини, унинг тарихийлигини, тараккий этиб бориши ундаги баъзи унсурларнинг эскириши, улар урнида янги норматив унсурларнинг пайдо булишини кузатиб, қайд этиб боради. Бирок бу фан адабий нормаларни яратмайди, баъзи бир ходисаларни норма сифатида мажбуран киритмайди. Балки узбек миллий адабий тили фаолиятини, унинг ривожланишини кузатиб боради, объектив қонунларини кашф этади, шулар асосида тавсиялар беради.

3.Хозирги узбек адабий тилининг тулик шаклланганлиги ва улкан ижтимоий вазифани бажараётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу тил диёримиз вакиллари учун умумий тил сифатида шаклланди.

Узбек тилига давлат тили макомининг берилиши жумхуриятимизда давлат ишларининг, уқиш-укитиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг шу тилда олиб борилиши учун жуда катта имконият яратди. Тилга булган муносабат тубдан узгарди, унинг барча имкониятларини урганиш ишлари кенг қуламда олиб бориляпти. Лекин, шуни ҳам эслаш жоизки, тилнинг ижтимоий вазифасини бажарилиш даражасини белгиловчи омиллардан бири булмиш нутк маданияти етарли тараккий этмаганлиги ачинарли бир ҳолдир. Шу боис нутк маданияти соҳасини чуқурроқ урганиш олдимизга қуйилган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки нуткимизда учраб турадиган нуксон ва камчиликларни бартараф қилиш, нутк маданиятини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ривожлантириш умумдават аҳамиятига эга булган сиёсий ва ижтимоий масаладир. Бу масала билан шугулланиш ишига факат тилшуносларгина эмас, балки жумхуриятимизда истикомат қилувчи барча соҳа вакиллари эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир. Чунки, нутк маданияти умуминсон маданиятининг тарқибий қисми булиб, қишлоқларни юксак маданиятга олиб беришларини белгилайди. Бу масаланинг бир томони булса, иккинчидан, халқаро ҳаётда икки қарама-қарши ижтимоий гуруҳ уртасида мафкуравий қураш нихоятда кескинлашган бир даврда яшамокдамиз. Бу нарса ҳам мафкуравий қурашнинг асосий қуроли булган тилнинг ҳар қачонгидан ҳам уткир ва кескин булишини тақозо этади. Президентимиз И.А. Қаримов ҳам бунга алоҳида эътибор бериб бундай деган эдилар: «ғояга қарши факат ғоя, фикрга қарши факат фикр, жаҳолатга қарши факат маърифат билан баҳсга қилишиш, олишиш мумкин»; «Энг даҳшатлиси фикр қарамлиги тафаккур қуллиги»...

«Мақтабда болалар мустиқил фикр қуришига ургатиладими, аминманки ургатилмайди. Мабодо, бирор қувчи қутиқувчи эътироз билдирса, эртага ҳеч қим ҳавас қилмайдиган аҳволга қушиб қолади. Мақтабдаги қараёнда қутиқувчи

хукмрон. У боладан факат узи тушунтираётган нарсани тушуниб олишини талаб килади. Принцип хам тайёр: менинг айтганим-айтган, деганим-деган».

«Укитувчи ва укувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик урнини онгли интизом эгаллаши жуда кийин кечаяпти. Укитувчининг бош вазифаси укувчиларга мустакил фикр юритиш куникмаларини хосил килишдан иборатлигини купинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя килмаймиз. Демакратик жамиятда болалар умуман хар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни урганмаса, берилган таълим самараси паст булиши мукаррар. Албатта, билим керак. Аммо, билим уз йулига. Мустакил фикрлаш хам катта бойликдир». (Баркамол авлод орзуси 16 бет).

Нутк тадбиркорлигини сингдириш мактабда укитувчининг бош вазифасидир. У биринчи соатдан бошлаб то охирги машгулотгача укувчиларда нутк маданияти (тадбиркорлиги)ни тарбиялашга хизмат килиши керак.

Шу уринда таникли тилшунос олим Низомиддин Махмудовнинг куюнчаклик билан айтган фикрларини келтириб утиш лозим:

«Айни пайтда нуткий маданият тарбияси билан мактабдаги, хеч бир истисносиз, барча укув фанлари хам билвосита шугулланиши керак. Математика буладими, физика ёки тарих буладими, укитувчи уз нуткий маданияти билан намуна курсатиши, тегишли фан сохасининг тугал тилини намойиш этиши ва шу йул билан укувчидаги суз сезгисига куч бериши мақсадга мувофик. Таълим амалиётида кургазмалилик азалдан энг зарурий омил сифатида караб келинади, шунинг учун укитувчи жуда куп вақтини турли кургазмали куруллар тайёрлашга сарфлайди. Бу маъкул, аммо, унутмаслик керакки, нуткий маданиятни ургатиш, чиройли суз завкини устириш, умуман, тил эстетикаси тарбиясида асосий, жонли кургазмали курул укитувчининг узидир». («Маърифат манзиллари» Н. Махмудов)

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нукт маданияти хакидаги таълимот кадимда каерда шаклланган?
2. Шарқда нутк маданияти масалалари билан шугулланган мутафаккирлардан кимларни биласиз?
3. Нутк маданияти курсини уқитишдан мақсад нима?
4. Курснинг мақсад ва вазифаси хакида сузланг.

Таянч тушунчалар:

нахв - (арабча) синтаксис грамматика.

назм - (арабча) шеърий асар: шеърий жанри, шеър улчови

наср - (арабча) проза, прозаик асар, проза жанри.

аруз – шеър тузилишида киска ва чузик хижо (бугин)ларнинг маълум тартибда гурухланиб, такрорланиб келишига асосланган вазн системаси. Аруз вазни.

мантик - (арабча суз) тафаккур шакли ва конунлари хакидаги фан; логика.

2-Мавзу: Нутк маданияти ва адабий норма. Нуткий малака.

Режа.

1. Нутк маданияти тушунчаси.
2. Адабий норма ва нутк маданияти.
3. Нуткий фаолият ва нуткий малака.

Адабиётлар:

1. Нутк маданияти ва услубият асослари. Р. Кунгуров, Ё. Тожиев, Э. Бегматов 34-36 бет
2. Узбек нутки маданияти очерклари 39-41 бет; Бегматов, А. Бобоева, М. Асомиддинова, Б. Умуркулов.
3. Нутк маданияти асослари. Т. Кудратов 22 бет.

Матн.

1. Хар бир соҳанинг уз маданияти булгани сингари нуткнинг ҳам уз маданияти бор, яъни нутк маданияти деб аталувчи ва бугунги кунда муҳим вазифани бажараётган тилшуносликнинг алоҳида бир соҳаси мавжуд. Нутк маданияти тугрисида сузлашдан олдин, нутк уни нима, унинг тилдан нима фарқи бор? деган саволларга жавоб топишимиз керак.

Тил ва нутк бир-бирига боғлиқ ходисалардир. Уларни бир биридан ажратиб қараш асоссиздир. Тил нутк учун моддий материалдир. Шу материал асосида нутк ташкил топади.

Тилдаги ҳамма нарсa тил жамоаси учун умумий булади. Тилда рухий ва моддий материал мавжуд бўлиб, сузнинг кишилар хотирасидаги образлари рухий материал, нутк яратиш жараёнида кулланиладиган суз шакллари, морфемалар, товушлар моддий материал ҳисобланади. Тилнинг рухий ходисалиги унинг онгда сакланиши бўлса, моддий ходисалиги эса ундаги товушлардир.

Нутк-бу тил деб аталувчи, ута муҳим вазифаларни бажарувчи ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият қаби ходисалар билан муносабатда номоён бўлишидир. Нутк ҳаракатдаги тил бўлиб, нутк аъзоларининг ҳаракати жараёнида пайдо булади ва суз шакллари, эркин бирикмалар, суз тартиби ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқ тилларида қадимдан мавжуд ходисадир. Бу тушунча маълум лингвистик нормалар, этикавий ва эстетикавий талаблар билан алоқадор булган тушунчадир. Демак, нутк маданияти тушунчаси хар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи (курсатувчи) этикавий ва эстетикавий категориядир. Ҳозирги нутк маданияти атамаси билан юритилаётган ходиса ва илмий муаммо анча кенг мазмунга эгадир. Нутк маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ нормалашга (уни қайта ишлаш ва бойитишга) қаратилган ҳаракатларгина эмас,

балки миллатнинг умумий маданиятини кутариш, одамларга маълум «тил диди» («языковой вкус»)ни тарбиялашга хизмат килувчи фаолият хамдир.

Нутк маданияти атамаси ҳозирги замон тилшунослик талкинида уч хил ходисанинг номидир;

- 1) маданий нуткнинг, яъни нуткий ходисанинг номи;
- 2) маданий нутк тушунчаси билан боглик ва нутк маданияти деб юритувчи илмий муаммонинг номи;
- 3) нутк маданияти муаммосини урганиш билан махсус шугулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани булимининг номи.

Келтирилган учта ходисанинг ҳар бири уз мураккаб куринишларига, кирраларига эга, уларни бир-бири билан кориштириб юбормаслик лозим.

Юкорида баён этилган барча мулоҳазалар нутк маданияти тушунчасини тушуниш ва таърифлаш тилшуносликда ҳозир куйидаги куринишларга эга деган хулосага келиш имконини беради:

1. Нутк маданияти адабий тил ривожининг узига хос хусусиятларидан бири. (Прага лингвистик мактаби).
2. Нутк маданияти (тил маданияти) – бу адабий тил нормаларининг шаклланиши ва силликланишига ёрдамлашишдан иборат булган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир. (Прага лингвистик мактаби).
3. Нутк маданияти тилни, унинг конун коидаларини онгли идрок килиш, аник, равшан, ифодали нутк туза олиши махоратидир. (А. Гуревич. ва б)
4. Нутк маданияти кишиларни узаро тулик ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашдан иборатдир. (Б.Н. Головин ва б.)
5. Нутк маданияти факат тугри нуткгина эмас, балки укувчилик хамда нуткий чечанлик хамдир. (Г.О. Винокур ва б.)
6. Нутк маданияти тил воситаларидан уринли фойдаланган холда мақсадга мувофик сузлаш ва ёза олиш санъатидир. (А.Н. Ефимов).
7. Нутк маданияти бу аввало фикрлаш маданиятидир. (Д.Э. Розенталь.)
8. Миллий, узига хослиги билан хам ажралиб турувчи нутк маданий нуткдир (М. Агафонова).

Хулоса килиб айтиш мумкинки, нутк маданияти - шу тилни алока-аралашув куралини ишлатишга булган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб курулнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошка омиллар: тафаккур, онг, борлик, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга булган муносабат канчалик юкори савияда булса, нутк маданияти хам юкори савияда булади, ва акс холда нутк маданияти хам паст савияда булади.

2. Нутк маданияти тугрисида гап борар экан, табиийки, нуткда кулланган уринли ёки уринсиз сузларнинг кулланиши тугрисида баҳс боради. Кулланган тил бирлигини тугри ёки нотугри дейилганда, албатта маълум бир улчов (мезон)га асосланганлиги тайин. Мана шу улчов (мезон) тилшуносликда адабий тил нормаси деб юритилади.

Хар бир лахжанинг, сузлашув тилининг, адабий тилнинг уз нормалари булганидек, нуткнинг алохида куринишлари булган арголар, жаргонлар ҳам уз нормасига эга. Хусусий нормаларни куйидагича курсатилган: 1. Диалектал норма. 2. Сузлашув нутки нормаси. 3. Арголар, жаргонлар нормаси. 4. Адабий тил нормаси (адабий норма).

Адабий норма. Маълум бир худудда таркалган узус имкониятлари уша худудда яшовчи ахоли учун истисносиз тушунарли булади, яъни алокани енгил амалга ошувига имкон беради. Бу тилнинг узи нормадан иборатлигини курсатади. Норма – тилнинг яшаш шаклидир.

Адабий норма узусга асосланади, ундан олинади. Адабий норма адабий тил билан бирга тугилади, бадиий адабиётнинг, халк маданиятининг тараккиёти билан ривожланиб, уз конун-қоидаларини мустахкамлаб боради.

Адабий норма узусдан олинганлиги сабабли ҳамма учун тушунарли булади. Шунинг учун жамият тараккиётида муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларини уюштиришда, катта вазифаларга отлантиришда адабий тил, унинг нормалари жамият учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбек адабий тили нормалари илмий асарларда куйидагича тасниф қилинади.

1. Лексик-семантик нормалар.
2. Талаффуз (орфоэпик) нормаси.
3. Ёзув (орфографик) нормаси.
4. Фонетик норма.
5. Акцентологик (ургуни тугри куллаш) норма.
6. Грамматик норма (морфологик ва синтактик)
7. Суз яшаш нормалари
8. Имловий норма
9. Услубий норма
10. Пунктуацион норма

Адабий норманинг оғзаки ва ёзма куринишлари мавжуд булиб, оғзаки адабий норманинг ривожланишига халқ кизикчилари, аскиячилари, латифагуй халқ шоир-бахшилари катта хисса қушсалар, ёзма адабий норманинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Умуман олганда, адабий тил нормасини урганиш янги ходиса эмас. Тил нормаси ва адабий норма муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа деб тан олингунга қадар ҳам урганиб келинган. Адабий тил нормаси, унинг шаклланиш, ривожланиш стабиллашув қонуниятлари-нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил нормасига ёндашуви куйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатда фарқ қилади.

а) Нутқ маданияти адабий нормадаги узгариб, бузилиб турувчи нуткий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши, ва уларни тузатишга интилиши лозим.

б) Нутқ маданияти адабий тил нормасини доимий ривожланиб, узгариб турувчи ходиса сифатида текшириши ва тил нормаси системасидаги янги

холатларни, узгараётган, узгарган холатларни шунингдек, «улган» истёъмолдан чиккан холатларни ҳисобга олиши керак.

в) Нутк маданияти тил нормаси системасидаги карама-карши холатларни белгилаши лозим, ҳамда барча яруслари бўйича текшириши керак.

Нутк маданияти адабий нормани маълум мақсад билан, аниқроғи маданий нуткнинг чегараси ва воситаларини аниқлаш мақсадида урганади. Шу сабабли, нутк маданияти соҳаси адабий тил ва унинг норматив системасини баҳолайди ва назорат қилади. Нутк маданияти соҳаси адабий тилга актив ёндашади, яъни адабий тил ривожига оғли аралашади.

3. Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараккиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараккиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, факат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожлангани сари тил ҳам шаклланиб боради. Демакки, шу тилда сузлашувчи миллатнинг маънавияти юксалиб, нуткий малакаси ортди боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутди. Бу эса нуткий малакани сунишига, маънавиятини кашшоқлашишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутк эгаси саналади. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нуткий қурол – ягона шу жамиятнинг тили ҳисобланади.

Инсон нуткий фаолиятга адабий тил маданияти қоидаларини муқаммал билгани ҳолда мустиқил шугулланиши, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиш, радио ва телевидениени тинглаш орқали эришади ва тинимсиз шугулланиши натижасида нуткий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина нутк маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга қинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим роль ўйнайди. Адабий тил ва нормаларини шунчаки қизқиқш ва у билан қомигагина шугулланиш билан эгаллаб бўлмайди.

Инсон нуткий фаолияти ўқ қуринишда қомоён бўлади.

Бўлар – сузлаш, мутолаа ва эшитиш. Сузлаш дейилганда сузловчининг маълумот, маслаҳат бериши, бўюриши, ўзига қоъмалум бўлган нарсалар ҳақида сураши тушунилади. Сузлаганда сузловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага қикади. Сузлашнинг монологик ва диологик қуринишлари мавжуд.

Мутола қилиш ўқувчининг ёзма нутк орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотиدير. Мутолаа туфайли ёзма нуткда акс этган воқеа-ҳодисадан ҳабардор бўлади.

Урта мактабда таълим олаётган ёшларни яъни, жамиятнинг янги ижтимоий қуқларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг қулига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг қамол топишида, ўқитувчининг нутқи ўта муҳимдир. Демак, ўқитувчилик қасби инсонпарварлик, ватанпарварлик, юксак маданиятчилиқ билан бирга юқори даражадаги нуткий малакага ҳам эга бўлиш қерақлигини талаб қилади.

Такрорлаш ўқун саволлар:

1. Нутк маданияти деганда нимани тушунаси?
2. Тил маданияти билан нутк маданияти қайси жихатлари билан фарқ қилади?

3. Адабий норма нима? У нимага асосланади?
4. Нуткий малакага кандай эришиш мумкин.?

Таянч тушунчалар:

Морфема - (грекча) линвистикага оид термин булиб, сузнинг энг кичик маъно англатувчи, бошка маъноли кисмларга булинмайдиган кисми (ёки булаг)и (узак морфема, аффиксал морфема).

Жаргон - (французча) Бирор ижтимоий гурухнинг узига хос ва узигагина тушунарли булган, бошқалар тушунмайдиган ясама тил.

Узус – Бирор тил жамоасида тил системасида мавжуд булган имкониятларнинг фойдаланиб келинаётган кисми узус дейилади. Узус бир тилни бошқасидан ажратиб турадиган шартларни хам тилнинг ички нормаларини хам уз ичига олади.

3 – Мавзу: Укитувчи нутки маданияти, нутк маданияти ва услубият

Режа.

1. Укитувчи нуткида атамашунослик, суз куллаш ва нутк маданияти масалалари.
2. Нутк маданияти ва услубият. Нуткнинг услубий турлари.
3. Узбек тилининг вазифавий услублари ва нутк маданияти.

Адабиётлар.

1. Узбек нутки маданияти ва услубият асослари. Ё. Тожиев, Н. Хасанова, Х Тодиматов. О. Йулдошева. 33:48 бетлар.
2. Нутк маданияти ва услубият асослари. Р. Кунгуров ва бошқалар 67 бет.
3. Нутк маданияти асослари. 28 бет.
4. Узбек нутки маданияти очерклари. 73 бет.

МАТН.

1. Укитувчи нуткида атамашунослик, суз куллаш ва нутк маданияти масалалари, бугунги кунда энг ахамиятли масалалар сафидан жой олган. Чунки узбек тилига давлат тили макоми берилиши унга булган муносабатни тубдан узгартирди. Хозирги кунда хамма-хамманинг диккат эътиборида тилимиз такдири бор: ёшлар, кексалар, талабалар; касбидан, сохасидан катъий назар хар бир зиёли тилимизнинг равнаки, келажаги хакида кайгурмокда, уз фикр-мулохазаларини баён килмокда. Шу билан бирга кейинги даврда фан-техниканинг барча сохалари ривожланди, шаклланди. Натижада узбек тилида хам барча сохаларга оид атамалар вужудга келди; узлаштирилди, янги атамалар ясалди. Мавжуд атамаларнинг купчилиги узгарди, янгиланди.

Бу атамаларнинг аксарияти умумадабий тилга утиб оммалашиб кетди ва хамма учун тушунарли булиб колди. Узбек тили атамачилигида илгари мавжуд булган, бошка тиллардан, жумладан, купрок араб тилидан узлашган:

жумхурият, мунажжим, муаррих, мунаккид, муаллиф, инкилоб каби сузларнинг урнини рус тилидан ёки у оркали узлашган байналминал сузлар эгаллади. Кейинги даврда эса яна уша араб тилидан узлашган сузларни куллаш кучайди. Бошкacha айтганда, айрим сузларга кайтадан «жон» ато этилди: Жумхурият, байналминал, жамоа, анжуман, шуро кабилар. Айрим сузларни куллашда эса иккиланишлар ҳам йук эмас. Бунга сабаб мазкур сузларга эхтиёжнинг колмаганлигидир: кашшоф, фирка, миршаб, ланг, кабилардир. Шу уринда айтиб утиш лозимки, бир катор сузлар борки, уларни хозирги мактаб укувчилари ҳам, олий мактаб талабалари ҳам махсус лугатларсиз ёки укутувчиларнинг ёрдамисиз тушунишлари кийин: мунши, кози додхох, харам, аврапуш, сипохсолор, викор, вожиб, воиз, бадху, алфоз, андух, андоза, асно, афгор, афтода, мискол, муфти, кушбеги, пансод, кабилар. Бундай холат мумтоз адабиёт намуналарини тугри шархлаб беришга, улардаги бадииятни чукуррок хис килишга халакит килади, у ёки бу байтнинг асл мохиятини, шоир (адиб) кузда тутган асосий максадни тула англаб етмасликка сабаб булади. Ана шу каби сузларнинг маъноларини ургатмаслик, укувчига сингдирмаслик эса, асаргазалнинг чала тушунилишига олиб келади, укувчиларни уларнинг сирасроридан бебахра килади.

Бу уринда Р. Декартнинг куйидаги фикрини эслатиб утиш максадга мувофикдир: «Сузларнинг маъноларини одамларга тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашилмовчиликларнинг ярмидан халос килган буласиз».

Инсон асосан укиш-ёзишни, умуман илмни урта ва олий мактабларда, урганади. Шундай экан, асосий ахамият укутувчи билими, савиясига бориб такалади. Бу дегани факат укутувчи тилни мукаммал билсин дегани эмас, бу билан чекланиб ҳам булмайди. Умуман гузал ва серкирра тилимиздан фойдаланишда, атамаларни куллашда хар бир соха вакили ҳам жуда эхтиёткор булиши шарт. Акс холда маълум бир мавзуни тушунишни, англашни кийинлаштиради. Бу эса тилимизга, маданиятимизга путур етказди.

Шунинг учун саводхонликни юксак даражага кутаришга, укиш-укитиш ишларига эътиборни кучайтириш керак.

2. Мавжуд илмий адабиётларда нутк маданияти ва стилистика (услугият) асосан биргаликда талкин килинади. Баъзи холларда бу икки тушунча бир-бири билан кориштириб юборилади, улар орасидаги фарк лунда, аник ажратиб берилмайди. Юкорида нутк маданияти тушунчасига тула аниклик киритилди ва унинг мохияти очиб берилди.

Стиль - сузи грекча суздан олинган булиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи уткирлаштирилган таёкчани билдиргани маълум. Кадимги римликлар, грецияликлар стилга кишиларни ишонтириш санъати сифатида караганлар. Стиль сузининг асл мохияти хозирги кунда ҳам ана шу изоҳлардан унчалик узоклашгани йук. Факат кейинги даврлардаги талкинларда вазифавий стилга (аслида услуб ушадир) алохида эътибор бериб юборилган: услуб (стиль) нуткнинг жамият ижтимоий фаолияти маълум томони билан богланган узига хос лугати ва бошка хусусиятларига эга булган куриниши булиб, нуткнинг

худди шундай бошка турларидан уз ички хусусиятлари билан тафовут килиб туради.

Ана шу тафовутлар у ёки бу нутк курилиши учун асос булади.

Стиль сузи билан услуб сузларининг асосий маънолари эса хозирги кунда бир-бирига тенгдир: Ёзувчининг узига хос услуби (ёки стили); бадий услуб (бадий стиль) каби.

Хулоса килиб айтганда хозирги кунда тил услублари куйидаги турларга ажратилади

1. Сузлашув нутки услуби (тилнинг алока-аралашув функцияси).
2. Илмий услуб
3. Расмий иш коғозлари услуби, (тилнинг хабар, ахборот бериш функцияси).
4. Публицистик услуб.
5. Адабий – бадий нутк услуби (тилнинг таъсир килиш, тарғибот, ташвиқот ораси).

Такрорлаш учун саволлар:

1. Атамалар ва уларнинг кулланиши тугрисида фикрингиз кандай?
2. Нутк услублари деганда нималарни тушунаси?
3. Нутк услублари, асосан, неча курилишга эга?
4. Хар бир нутк услубини белгилайдиган хусусиятлари хакида сузланг.

Таянч тушунчалар:

АСНО – 1) бирор иш харакат, воқеа-ходиса булиб турган пайт, фурсат, чоғ;
2) киска муддатли икки воқеа-ходиса оралиги.

АНДОЗА – кийим бош, пойафзал ёки бирор бошка нарса бичиш тайёрлаш учун ишлатиладиган калин коғоз.

АНДУХ – рухий азоб, хафагарчилик, гам-гусса, кайгу.

ДОДХОХ- Бухоро хонлигида адолат истовчилардан амир номига ариза қабул килувчи лавозимли киши.

ВОИЗ – диний мазмунда ваъз килувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон.

ВОЖИБ – хар бир мусулмонга пайгамбар тамонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий булмаган шартлардан бири.

4. Мавзу: Нутк маданиятининг асосий хусусиятлари.

Режа.

1. Нуткнинг тугрилиги.
2. Нуткнинг аниклиги.
3. Нуткнинг тозалиги.
4. Нуткнинг мантикийлиги.
5. Нуткнинг ифодалилиги.

Адабиётлар:

1. «Нутк маданияти ва услубият асослари». Р. Кунгуров. Э. Бегматов. Е. Тожиев. 1992.
2. «Нутк маданияти асослари» Т. Кудратов.

3. Узбек нутки маданияти ва услубият асослари. Ё. Тожиев. Н. Хасанова. Х. Тожиматов. О. Йулдошева. 1994.
4. Узбек нутки маданияти очерклари. Э. Бегматов А. Бобоева. М. Асомиддинова. Б. Умуркулов.

Матн.

Хар кандай нутк маълум бир сузловчи ёки ёзувчи томонидан тингловчи ёки укувчига каратилган матннинг шакллантирилган ташки куринишидир. Албатта бу йулланган нутк тингловчига етиб бориб маълум бир таъсир курсатсагина унга нисбатан яхши нутк дейишимиз мумкин. Нутк хар томонлама яхши булиши учун уз олдига маълум талабларни куяди. Бу талаблар нуткнинг асосий сифатлари, хусусиятлари деб юритилади. Улар нуткнинг тугрилиги, аниклиги, мантикийлиги, таъсирчанлиги, тозалиги, тушунарлилиги, ва мақсадга мувофиқлигидир.

1. Нуткнинг тугрилиги. «Тугрилик деганда, - деб ёзади В.Г. Костомаров, - нутк маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул килинган нормасига катъий ва аник мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий лугат ва грамматик нормаларини эгаллашни тушуниш лозим булади».

Нуткнинг тугрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир.

Нутк тугри булмаса, бошка коммуникатив сифатлари ҳам вайрон булади. Нуткнинг тузилиши тугри булмаса, унинг мантикийлиги, аниклиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам путур етади.

Нутк тугри булиши учун, асосан, икки нормага – ургу ва грамматик нормага каттик амал килишни талаб килади. Сузлардаги ургунинг кучиши билан маънони ҳам баъзан узгариб кетиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Бу ҳам нуткнинг бузилишига олиб келади: Олма-олма; хозир-хозир, йигитча-йигитча; укувчимиз-укувчимиз, янги-янги ва ҳаказо.

Ҳап таркибидаги бир сузга тушадиган мантикий (логик) ургуни ҳам маънони фарқлашдаги хизмати катта.

Грамматик нормага риоя килиш деганда ҳап тузиш қоидаларидан тугри фойдаланиш, узак ва қушимчаларни қушишда ҳатога йул қуймаслик, келишиқ қушимчаларини уз урнида қуллаш., эга ва кесимнинг мослиги, иккинчи даражали булақларни уларга боғланиш қонуниятлари тушунилади.

2. Нуткнинг аниклиги – бу сузнинг узи ифодаляётган воқеалиққа мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. Аниклик нуткнинг муҳим фазилатларидан бири сифатида қадимдан маълум. ғарб мутафаккирлари ҳам, Шарқ олимлари ҳам аникликни нутк сифатларининг биринчи шarti деб ҳисобланганлар. Аристотель: Агар нутк ноаниқ булса, у мақсадга эришмайди», - деган булса, Кайковус: «Эй фарзанд сузнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сузлаганда маъноли ҳапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар ҳапирган вақтингда сузнинг кандай маънога эга эканлигини билмасанг қушга ухшайсан...» дейди.

Аниклик нуткнинг фазилати сифатида ёркин ифодалаш кобилияти билан, нутк предметининг маъноси билан, нуткда ишлатилаётган суз маъноларини билиш билан боглик булади.

Агар нотик узи фикр юритмокчи булган нутк предметини яхши билса, унга мос сузлар танласа ва узи танлаган сузларнинг маъноларига мос вазифалар юкласа нутк аник булиши тайин. Аниклик икки хил булади: нарсанинг аниклиги ва тушунча аниклиги.

3. Нуткнинг мантикийлиги унинг асосий сифатлари тугрилиқ ва аниклик билан чамбарчас боглангандир. Чунки грамматик жихатдан тугри тузилмаган нутк ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффакиятсиз танланган лугавий бирлик ҳам матикнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантикий изчилликнинг бузилиши тингловчи ва укувчига ифодаланаётган фикрнинг тулик бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига олиб келади. Нуткни тузишдаги эътиборсизлик натижасида баъзан, хатто, мантиксизлик юз беради. куйидаги мисолга эътибор килинг «Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатга сут сотиш планларини муддатдан олдин бажарадилар (газетадан)». Гапда сузларнинг тартиби тугри булмаганлиги, «олти ойлик» бирикмасининг «сотиш» сузидан кейин келмаганлиги туфайли мантикка путур етяти, хатто хато фикр ифодаланапти.

Тушунча мантикийлиги алохида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантикий изчиллик булишини такозо килади. Аммо, бу талабни нуткий жараённинг ҳамма курунишларида ҳам уртага куйиб булмайди. Масалан: вазифавийлик услубларда, хусусан илмий ва бадий нутк услубларида бу талабга кандай амал килинишини олиб курайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишга эга. Унда кириш, асосий кисм ва хулоса мавжуд булиб, улар ягона бир халкага бирлашади. Матнда баён килинаётган фикрлар катъий изчилликда баён килинади. Бадий нутк тузилиши эса, бир оз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинди-ю, бирданига узилиш юз беради ва энди бошқа воқеалар хикоя килиниб кетилади. Бу нарсга гуё мантикий изчилликка путур етказгандай курунса-да, аслида ундай эмас. Бадий асарларда, хусусан, кисса, роман каби жанрлардаги кенг планлилиқ тасвир курилишини ана шундай тузишни такозо килади. Мантикан путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум булади.

Хулоса килганимизда, нуткнинг мантикийлиги деганда, яхлит бир система асосида тузилган, фикрлар ривожидан изчил булган, хар бир суз ибора аник мақсадга мувофиқ равишда ишлатиладиган нуткни тушунамиз.

4. Нуткнинг тозалиги. Нуткнинг тозалиги деганда, энг аввало, унинг адабий тилнинг лисоний нормасига мувофиқ келиш-келмаслиги тушунилади. Дархақиқат, яхши, идеал нутк хозирги узбек адабий тили талабларига мос холда тузилган булиши, турли тил, гайри адабий тил унсурларидан холи булиши керак. Бу масаланинг лисоний томони булиб, нуткий тозаликнинг нолингвистик жихатлари ҳам ундан кам булмаган ахамиятга эга.

Нуткимизнинг тоза булишига халакит бераётган лисоний унсурлар, асосан, диалектизмлар ва варваризмлардир. Тугри, улар тилимизда ишлатилиши керак, бусиз булмайди. Чунки, бадий адабиёт тилида диалектизм ва варваризмлар

билан маълум бадий-эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум гоёсини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий калоритни бермокчи ёки асар қахрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилишда диалектизм ва варваризмларга мурожаат қилиши, ҳатто, зарурдир. Масалан: «Ёшулли, санинг кизинг бунда гатирилмаган. Ова, ёшулли. Сан, манглайи қара батқирдор, на сабабда мундок ёмон сузларни элга таркатдинг» (Мирмухсин). Ушбу мисолда диалектизмлар ҳудудий колоритни беришга хизмат қилгани қаби қуйидаги мисолда варваризмлар - чет сузлар характер яратишда ёзувчига қумаклашган. «Дубора» яна борди бир ишга шул, (суқиб – нет, - деди, қелма дуррак, пошул!) (Мирмухсин).

Паразит сузлар деб аталувчи лугавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан, сузлашув нуткида қуп ишлатилиб, нотикнинг уз нутқини қузатиб бормаслиги, ётиборсизлиги натижасида пайдо булади ва бора бора одатга айланиб қолади. Масалан: айрим қишилар узлари сезмаган қолда демақ, қуш қаби сузларни қайтараверишга урганиб қолганлар. «Бир докладчининг бир қоатли нуткида, - деб ёзади А.Аҳмедов – «уртоқлар» сузи 101 марта, «яъни» сузи 73 марта, «демақ» сузи 60 марта такрорланганлигини қувоҳи буламиз. қаранг, бир қоатлик нутқда 234-та ортиқча, «бекорчи» суз ишлатилган» (Аҳмедов А. Тил бойлиги – Тошқент, 1968, 27-бет)

5. Нутқнинг таъсирчанлиги. Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзақи нутқ қараёни назарда тутилган ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни ётиборга олиш ҳам муҳимдир. Яъни, нотик тингловчиларни ҳисобга олиши қишиларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, уз нутқининг тингловчилар ёшитаётган пайтдаги қайфиятигача қузатиб туриши, уз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилаётганини назорат қилиши лозим булади. Профессиянал билимга эга булган қишилар олдида қун, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ булмагани қаби, оддий, ётарли даражадаги маълумотга эга булмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш қерак эмас. Қуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламочи булган фикрни тулалигича тингловчиларга ётқизишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қуйилади. Қуш, таъсирчан нутқ деганда қандай нутқни тушунмок қерак? Унга Б.Н. Қоловин шундай таъриф беради: «Таъсирчан нутқ деб нутқ қурилишининг тингловчи ва укувчи ётибори ва қизиқишини қозонадиган ҳусусиятларига айтилади, уз навбатида шу ҳусусиятларга эга булган нутқ таъсирчан саналади».

Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиклар олдида қуйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, маъзуни яқши билишдан ташқари, уни баён ётишнинг аниқ белгиланган режаси булиши қерак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни узаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини таништириб, гапни боғлаш лозим. Вактни ҳисобга олиш нотиклик фазилатларидандир. Чунки сузлаш муддати олдин ёлон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи булса, сал олдинрок тугатилса, тингловчилар зерикмайди.

Сузловчининг уз нуткига муносабати ҳам муҳимдир, чунки, шундай булгандагина курук расмийатчиликдан кочиш бўлади. Сузловчи ва тингловчи уртасидаги алоқа яхши бўлади. Нотик фикрларни узи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр мулоҳазаларини билдирса, нутк яна ҳам ишонарли ва таъсирли бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нуткнинг коммуникатив сифатлари деганда нимани тушунасиш?
2. Нуткнинг тугрилиги нутк маданияти учун қандай аҳамиятга эга?
3. Қандай нуткни биз аниқ нутк деймиз?
4. Нуткнинг аниқчилигига қандай йуллар билан эришилади?
5. Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг суз бойлиги ҳақида сузланг.

Таянч тушунчалар:

Воиз – диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон.

Жаргон - (французча) Бирор ижтимоий гуруҳнинг узига хос, ва узигагина тушунарли булган, бошқалар тушунмайдиган ясама тили.

Ўзус – Бирор тил жамоасида тил системасида мавжуд булган имкониятларнинг фойдалани келинаётган қисми ўзус дейилади. Ўзус бир тилни бошқасидан ажратиш турадиган шартларни ҳам тилнинг ички нормаларини ҳам ўз ичига олади.

5 Мавзу: Ўқитувчи нуткига қўйиладиган талаблар.

Режа.

1. Нуткнинг таъсирчанлигига эришиш йуллари.
2. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида муомала одоби.
3. Ўқитувчи нуткига қўйиладиган талаблар.

Адабиётлар:

1. Р. Қунгуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев. «Нутк маданияти ва услубият асослари» Тошкент 1992.
2. Т. Қудратов «Нутк маданияти асослари» Тошкент 1993.
3. Н. Маҳмудов «Маърифат манзиллари» Тошкент 1999.

МАТН

Таниқли нотиклар ҳам ўз нутқларининг намунали бўлишини таъминлашда қўйидаги асосли ҳолатларга алоҳида эътибор берганлар:

1. Ўзи тухталмокчи булган масала ёки мавзунини чуқур урганиш, узлаштириб олиш, ундаги масалага ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш;
2. Ўз дунёқарашига эга бўлиш, суз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш;
3. Мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни омма олдида тулик очиб беришга, ёритишга диққат қилиш;

4. Хар бир нуткка жиддий тайёргарлик куриш, жумладан, маърузани нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий уйлаб олиш, масалаларни уртага ташлаш, кетма-кетлигини яхши белгилаб олиш, уларнинг узаро боғланишини таъминлаш, маълум режалар ёки режа-конспектлар тузиб олиб, узи учун алохида ва кенг тухталиш зарур булган уринларни белгилаб олиш ва б.

Нуткнинг таъсирчанлигига эришишда тилнинг тасвирий воситалари хисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ухшатиш, эпитет, такрор ва адабий кучирмаларнинг ҳам урни бекиёсдир. Куйидаги мисолларга эътибор берайлик: одам бул, отанг каби ахмок булма – Одам бул отанг каби, ахмок булма ёки Мулла аълам тугри, одам эмас – Мулла аълам тугри, одам эмас. Бу гапларда охангнинг узгариши гап мазмунининг тамомила узгариб кетишига сабаб булган. Булардан ташкари нуткда таъсирчанликни таъминлаш учун маколлар, маталлар, хикматлар, суз ва иборалар айникса, фразеологизмлардан кенг фойдаланиш зарур. Ёзувчи Абдулла Каххор уз хикояларининг купчилигида эпиграф сифатида маколлар келтириш билан дархол укувчи диққатини тортади: «Осмон йирок - ер каттик» («Бемор»); Отнинг улими – итнинг байрами («Угри») кабилар.

Очик чехрали одам иккиюзламачиликдек нуксондан йирок булади. Очик чехралилик, айникса, укувчи учун зарур фазилатлардандир. Зеро, укувчилар калбига йул топиш, меҳрини козониш, уз фанининг чинакам ихлосманди кила олиш хазилакам иш эмас. Бунинг учун, албатта, укувчининг кенг феъли-ю саховатли калби, уткир зехни-ю, тийрак нигохи муҳимдир.

Агар, укувчи укувчиларнинг юрагига якин нарсаларни билолмаса, уларда узига нисбатан илик хиссиёт хосил килолмаса, улар кунглига йул топиши жудаям кийин булади.

Инсон хулк-атворида энг муҳим конун бор, агар биз бу конунга амал килсак, ҳеч қачон кунгилсиз ҳолатга тушмаймиз. Чунки бу конун укувчиларни купрок узимизга мойил килишга ёрдам беради. Лекин, биз уни озгина бузишимиз билан дарров кунгилсизликка учраймиз. Бу койда куйидагичадир: укувчилар билан шундай муомилада булингки, улар бу муомаладан узларининг аҳамиятлироқ эканини ҳис килишсин. Бошқаларнинг куз унгида аҳамиятли булиш хоҳиши инсон табиатининг энг асосий белгиларидан биридир. Чунки катталарнинг уз суҳбат мавзуси булгани каби, болаларнинг ҳам тулиб-тошиб гапирадиган мавзулари булади. Шунинг учун купни курган кишилар болалар билан бола булиб, кексалар билан кекса булиб суҳбат куришга ҳаракат киладилар. Таҷрибали укувчилар суҳбат чоғида инсон кунглини асрашга унга мулоимлик билан йул топишга ҳаракат киладилар. Бирор жиддийроқ фикрни айтишдан олдин укувчисини (тингловчини) суҳбат мавзуга тайёрлаб олишга интиладилар. Шундай килинганда эшитувчи ҳар қандай ҳаяжонли ёки қайгули хабарларни ҳам анча енгил қабул килади ва тугри муносабатда булади. Инсон калбини забт этиш, унинг муҳаббатини козониш учун куп нарса керак эмас, ширин суз, самимий муомала кифоя.

Инсон бутун умри давомида уз нутқини такомиллаштириб боради. У тилимизнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали нуткнинг

гузал, равон, ифодали, таъсирчан булишига интилади. Зеро, гузал ва таъсирчан сузлай билиш ҳам санъат. Лекин бу санъатидан бебахра инсонлар ҳам ҳаётимизда учраб туради. Бу санъатдан, бошқа касб эгаларидан фаркли уларок уқитувчи бебахра булса-чи? Бу асло кечириб булмас ҳолдир. «Кайси фанни уқитишдан катъий назар, уқитувчининг асосий куроли, таъбир жоиз булса, кетмони унинг нуткидир. Кетмон уткир булмаса, ернинг ҳам, кетмончининг ҳам холига маймунлар йиглайди. Худди шундай, уқитувчининг нутки утмас, ночор булса, унинг билими канчалик чуқур ва тугал булмасин узига ҳам азоб, укувчи шурликка ҳам азоб. Она тилида пухта, лунда ва ширадор нутк туза олиш малакаси ва маҳорати математика уқитувчи учун ҳам, она тили уқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир. Уқитувчи гузал, узни ҳам, сузни ҳам кийнамайдиган равон ва ибораларга бой нутки билан укувчиларни маҳлиё этиб, бермокчи булган билимини ёш инсон шуурига осонлик билан олиб киради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир» («Маърифат манзиллари» Н. Махмудов, 28-бет)

Такрорлаш учун саволар:

1. Уқитувчи нуткига кандай талаблар қуйилади.
2. Уқитувчи овоздан кандай фойдаланиши керак.
3. Уқитувчи нуткида фикрни ифодалаш усуллари.

Таянч тушунчалар:

мантик - (арабча суз) Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан; логика. Нутк мантикийлиги – лексик-семантик ва синтактик нормага амал қилиш.

6 - Мавзу: Нутк маданияти ва нотиклик санъати.

Режа:

1. Нотиклик санъати ҳақида.
2. Нутк маданияти ва нотиклик санъатининг ухшаш ва фаркли томонлари.
3. Таълим жараёнида нутк маданияти масалалари.

Адабиётлар:

1. И.Каримов. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори».
2. Р. Кунгуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев. «Нутк маданияти ва услубият асослари» Тошкент 1992.
3. Т. Кудратов «Нутк маданияти асослари» Тошкент 1993.
4. Н. Махмудов «Маърифат манзиллари» Тошкент 1999.
5. Н. Махмудов «Тил» Тошкент 1998.

Маълумки, Шарқда нотиклик санъати азалдан маълум ва машҳур булган. Чунки «Маънили ва бежирим гапира билиш, нутк дарёсидаги макбул ва номакбул тулкинларни илғай олиш, сузнинг орқа-унгини, муносиб урнини фарқлай билиш, нуткий фаҳму-фаросат, тахрли нутк одоби каби фазилатлар

Туронда инсон умумий ахлоқнинг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган». (Н. Махмудов «Маърифат манзиллари»)

Халк орасида: сузга чечан, сузга уста, суз устаси, сузамол, сузамоллик, сузни боппайди, гапни дундиради, гапга уста, чиройли гапиради каби иборалар бор. Келтирилган суз ва ибораларнинг барчаси инсон нуткининг, инсон нутки камолотининг даражасини, умумий, жун нуткдан фаркланадиган нутк намуналарини ифода килади. Аммо, хамма хам бир хилда гапга чечан, ута чиройли гапирувчи булавермайди. Нуткий чечанлик нотиклик алохида кобилиятдир. Чинакам нотиклар нотиклик махоратига (саъятига) табиий кобилият, шу билан бир каторда уз тили, нутки устида тинимсиз ишлаш натижасида эришадилар.

Гап нотиклик устида борар экан, унинг энг оммавий турларидан бири – воизлик тугрисида тухталишимиз табиий. Воизлик санъати билан шугулланадиган кишилар халкнинг назаридаги етук аллома булганлар ва улар нодир истеъдод сохиби сифатида кадрланганлар. Масалан: Алишер Навоий замонасида Хусайн Воиз Кошифий ана шундай кишилардан булганлар...

Хар иккала соха тил ва нутк, инсон нутки билан алокададир, хар иккаласи хам кишилар нуткий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, уткир булиши учун курашади, инсоннинг нуткий маданияти, унинг нуткий ҳолатини устиришга хизмат килади. Нутк маданияти хам, нотиклик хам нуткий одам, нуткий гузаллик, нуткий мантик қонуниятлардан озикланган ҳолда иш куради. Аммо шунга қарамасдан бизнинг назаримизда нуткий санъат маъносидаги нотикликни, яъни фавқулодда нуткий махорат ва кобилият булган нотикликни оммавий нуткдан фарклаш лозим.

Баъзи шахсларда учрайдиган нотиклик санъати огзаки нутк соҳасида шахсий кобилият ва фаолият туфайли эришилувчи алохида санъатдир. Нотикликда кобилият ва махоратни меҳнат билан кушилиб кетганини куриш мумкин, хар бир халкнинг утмиш маданий ҳаётида у халкдан етишиб чиккан ва чин маънода нотик деган мутабар номга сазовар булган шахсларнинг унчалик куп эмаслиги хам аслида ана шундай омил туфайлидир.

Хар бир соҳанинг уз атамалари системасида битта атама фақат битта тушунча ифодалайди. Атамаларни куллашда хар кандай мураккаб фикрни ихчам, осон, лунда ва аник, шунингдек, тушунарли ифодалаш шу йул билан фикр алмашинувини осонлаштириш мақсад қилиб қуйилади. Атамачалик тил лексикасининг таркибий қисми ҳисоблангани учун кишилар уртасидаги алокани таъминлашда катта роль уйнайди. Айниқса, атамаларга ҳос булган маъно жихатидан аниклик, тушунчанинг моҳиятини ёки энг асосий белгисини аник ифодалаб бериш, улардаги тузилиш жихатидан ихчамлик, қисқалик ишлатишга қулайлик қабилар тушунчани тушунарли, аник, манзара, қисқа булишини таъминлайди.

Шундай қилиб, мавжуд лугатлардан кенг фойдаланиш, суз ва атамалар маъносини чуқур англаш кишининг суз бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нотиклик саъати деганда нимани тушунасиш.
2. Нотиклик санъати билан нутк маданияти тушунчасининг ухшаш ва фаркли томонлари тугрисида айтиб беринг.
3. Нутк маданиятининг таълим тарбия жараёнига таъсири.

Таянч тушунчалар.

Воиз – диний мазмунда ваъз килувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон.

Нотик - уз фикрини аниқ лунда ва таъсирчан ифода эта оладиган инсон.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Каримов. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори». 1998.
2. Р. Кунгуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев. «Нутк маданияти ва услубият асослари» Тошкент 1992.
3. Т. Кудратов «Нутк маданияти асослари» Тошкент 1993.
4. Н. Махмудов «Маърифат манзиллари» Тошкент 1999.
5. Н. Махмудов «Тил» Тошкент 1998.
6. Ё. Тожиев. Н. Хасанова. Х. Тожиматов. О. Йулдошева. Ўзбек нутки маданияти ва услубият асослари. 1994.
7. Э. Бегматов А. Бобоева. М. Асомиддинова. Б. Умуркулов. Ўзбек нутки маданияти очерклари.